

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2009 йил 24 сентябрь, № 186 (4849) Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»**ги 220–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 58-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади»;

2) **3-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилади. Эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади»;

3) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зонанинг мақоми:

уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаганидан кейин;

уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган вазифалар бажарилмаганда ва мақсадларга эришилмаганда тугатилади.

Эркин иқтисодий зонанинг мақомини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади»;

4) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин ишлаб чиқариш зоналари экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини, индустриал-иқтисодий зоналарни ва бошқа зоналарни ўз ичига олади»;

5) **9-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«9-модда. Юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Эркин иқтисодий зоналарда инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча кафолатлари ва имтиёзларига риоя этилиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар назарда тутилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа органлар ёхуд мансабдор шахсларнинг юридик ва жисмоний шахслар фаолиятига асоссиз аралашуви натижасида уларга етказилган зарарнинг ўрни, шунингдек бой берилган фойда ҳамда етказилган маънавий зиён суд тартибида қопланиши ёки компенсация қилиниши керак»;

6) **10-модданинг**:

**биринчи қисми** «Эркин иқтисодий зона» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг» деган сўзлар «юридик ва жисмоний шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик ва жисмоний шахсларнинг алоҳида ҳуқуқий тартиботни бузиш йўли билан олган даромади (фойдаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириб олинади»;

8) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «божхона хизмати» деган сўзлар «божхона органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

(Давоми 2-бетда).



# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

***Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуида «ICTExpo — 2009» Ахборот-коммуникация технологиялари кўргазмаси ўз ишини бошлади.***

**«InfoCom — 2009»**

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантирилиши ва барча соҳаларда қўлланилиши иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, ахборотлаштириш ахборотдан эркин ва тезкор фойдаланиш имкониятини таъминлаш орқали бошқарувнинг турли жабҳаларида, иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторида давлат билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг, кенгайишига хизмат қилмоқда. "InfoCom — 2009" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ташкил этилган ушбу кўргазма ҳам бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин далилидир. Ушбу тадбирнинг муҳим жиҳати шундаки, у соҳада эришилаётган ютуқлар, энг сўнгги янгиликларни намойиш этиш орқали кўргазма қатнашчилари учун ҳамкорлар орттиришга ҳам имкон яратади.

Кўргазмада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган компаниялар билан бир қаторда Россия, Украина, Хитой, Австрия, Германия, Корея Республикаси, Венгрия каби бир қанча давлатларнинг кўзга кўринган интернет-провайдерлари, мобиль алоқа, телекоммуникация ҳамда компьютер ускуналари ишлаб чиқарувчи, шунингдек, етказиб берувчи 150 та фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Жумладан, "Nokia Siemens Networks", "Softline International", "Sarkor Telekom", "East Telekom Networks", "Aloqa Print", "МТС Ўзбекистон" сингари кўзга кўринган компаниялар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар ва хизмат турлари бу ерга ташриф буюраётганларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиб ўтиш жоиз. Тошкентда иш бошлаган ушбу йўналишдаги тадбир бир вақтнинг ўзида Нукус шаҳрида ҳам ўтказилмоқда. Шу боис икки кўргазма залларига он-лайн видео тизими ўрнатилди. Бу эса ташриф буюрувчиларга бир йўла ҳам пойтахтдаги, ҳам Нукусдаги кўргазма маҳсулотлари билан тўғридан-тўғри танишиш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ҚУЛАЙ, АРЗОН, ТЕЖАМКОР

***Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва мазкур соҳага оид замонавий технологияларнинг "FoodWeek Uzbekistan" ҳамда "AgriTek Uzbekistan" халқаро ихтисослашган кўргазмалари иш бошлади. Ҳар икки тадбир Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида "TNT productions" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.***

**Кўргазма**

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг аграр тармоғи тобора ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 104,6 фоизга ўсишга эришилгани бунинг яққол далилидир.

Қувонарли жиҳати шундаки, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш баробарида уни қайта ишлаш ҳажми ҳам муттасил ортаётир. Бунда мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотлари қайта ишланадиган янги корхоналар ташкил этилаётгани айни муддао бўлмоқда. Масалан, 2009 йилнинг дастлабки олти ойида замонавий технологиялар билан жиҳозланган 66 та корхона иш бошлагани натижасида импорт ўрнини босувчи турли маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Ана шу жараёнда мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, тизимга замонавий технологияларни жалб қилиш борасида анъанавий ўтказиб келинаётган кўргазмалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, бу тадбирларда юртимиз ва хориж компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган юқори унумли ҳамда тежамкор ускуналар кенг ҳажмда намойиш этилмоқда. Бошқача айтганда, қатнашчиларга техникаларни саралаб, улар орасидан энг маъқулини танлаб олиш имконияти яратиб берилаётир.

Бу йилги кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қаторида Австрия, Беларусь, Венгрия, Германия, Голландия, Греция, Дания, Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Латвия, Польша, Россия, Туркия, Украина сингари дунёнинг 20 дан зиёд мамлакатидан 60 га яқин компаниялар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

— Кўпдан буён Ўзбекистонга келишни, юртдошларингиз билан ҳамкорлик қилишни дилимизга тугиб юргандик, — дейди Грециянинг "Sparta Hellas" компанияси вакили Панагиотис Лоурис. — Анъанавий кўргазмалар туфайли бу орзуимиз рўёбга чиқмоқда: тошкентлик ишбилармонлар билан зайтун мойи ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Кўргазмаларда маҳсулотлар турли йўналишларни қамраб олган тўртта махсус бўлимда намойиш этилаяпти. Бу ерда қишлоқ хўжалиги машиналари, экинларни ҳимоялашда қўлланиладиган воситалардан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чанқовбосди ичимликлар, озиқ-овқат саноати учун ускуналар,

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Сиз ва Ўзбекистон халқи муборак Рамазон ойи ниҳоясида муқаддас Рўза ҳайитини нишонлаётган шу кунларда Америка халқи ва шахсан менинг энг эзгу тилакларимизни қабул қилгайсиз.

Бутун дунё мусулмонлари Рамазон ойида эъзозлайдиган раҳм-шафқат, хайр-эҳсон ва раҳмдиллик каби қадриятлар барча халқлар ўртасида сабр-тоқатга, эркинлик ва тинчликка эришиш воситаси бўлиб қолишига ишонаман.

Келаётган йилда Сизга ва Ўзбекистон халқига сиҳат-саломатлик ҳамда равнақ тилайман.

**Барак ОБАМА,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

## Ахборот-кутубхона ресурслари:

# ИЛҒОР УСУЛЛАР ВА ОМИЛЛАР

***Кеча Ўзбекистон миллий кутубхонасида "Ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантиришнинг илғор усуллари ва омиллари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Ушбу тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимизни янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, замонавий кутубхона тармоғини ташкил қилиш, ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларни асраб-авайлаш мақсадида янги ахборот марказлари барпо этилаётир.

Семинарда қайд этилганидек, маънавий-маърифий тарбия ишларини кучайтиришда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг аҳамияти жуда катта. Шу сабабли тадбир иштирокчилари кутубхоналарни автоматлаштириш, электрон ахборот ресурсларини шакллантириш, шаҳарлар билан бир қаторда, чекка ҳудудларда ҳам виртуал кутубхоналар ташкил этишни жадаллаштириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси депутатлари ахборот-кутубхона тизими фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қиладиган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, хусусан, ушбу лойиҳадан ўрин олган ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларининг вазифалари, уларнинг фондини шакллантириш, сақлаш кафолатлари ва яна бир қатор ҳуқуқий меъёрлар хусусида атрофлича маълумотлар беришди.

Шунингдек, тадбирда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказларини бойитиш, "ZiyoNET" ахборот тармоғига улаш масалалари билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Анжуманда ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# ҚИШЛОҚДА СПОРТ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

***Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг қишлоқ жойларда спортни ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда қишлоқ ёшларининг спортга бўлган қизиқишларини тўларок қондириш ҳамда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда таъкидландики, қишлокда спортни ривожлантириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда ёшларни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш ҳамда спортни оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қишлоқларда замонавий спорт мажмуаларининг барпо этилгани ва уларда спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Қолаверса, вилоятдаги 80 та касб-ҳунар коллежи ва 8 та академик лицейнинг барчасида муҳташам спорт мажмуаларининг мавжудлиги ҳам юртимизда ёш авлод тарбиясига нечоғли улкан эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Шунингдек, давра суҳбатида спорт иншоотлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида билвосита иштирок этишлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари туманда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СИФАТСИЗ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун Президентимиз томонидан имзоланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси янги $186^3$-модда билан тўлдирилди. Айни вақтда Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига қўшимча киритилди, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси $165^1$-модда билан тўлдирилиб, 245-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.***

**Қонун кучга кирди**

Айтиш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги ҳамда 1997 йил 25 апрелдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунлари бу борада амалга оширилаётган тадбирларнинг асоси ҳисобланади.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланиши белгиланган. Инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, профилактика чора-тадбирлари нечоғли муҳим эканлиги, соғлиғини йўқотган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши ҳам қонунларда ўз аксини топган. Республикамизда соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш соҳасининг амал қилишига алоҳида эътибор қаратилганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланганлигини ҳам таъкидлаш жоиздир.

Ана шундай шарт-шароитлар яратилганига қарамасдан, мамлакатимиз бозорларига сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларнинг қонунга хилоф равишда олиб кирилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ғайриқонуний йўллар билан олиб келинган дори воситалари "қора бозорлар"да сотилмоқда, улгуржи савдо билан шуғулланувчи шахслар томонидан эса чакана савдо қилувчи дорихоналарга етказиб берилмоқда. Бу эса, табиийки, инсон саломатлиги ва ҳаётини хавф остига қўяди.

Бу борада ўтказилган текширишлар натижасида бозор ва бошқа жамоат жойларида дори воситаларини ғайриқонуний сотиш билан шуғулланаётган шахслар аниқланган ва уларнинг фаолиятига чек қўйилган. Жами 85,5 млн. сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган турли хил дори воситалари олиб қўйилиб, ушбу ҳолатлар бўйича 51 та жиноят иши қўзғатилган. Бундан ташқари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатсиз дори воситалари ишлаб чиқариши ва ўтказишига оид қатор ҳолатлар бартараф этилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жами 155 та жиноят иши қўзғатилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда қалбакилаштирилган препаратлар миқдори ошиб бормоқда. Айниқса, кўп фойдаланиладиган дори-дармонларнинг қалбакилаштирилаётгани кишини ташвишга солади. Шу муносабат

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

9) **14-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«14-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар**

Эркин иқтисодий зона ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари (юридик ва жисмоний шахслар) мамлакат инвесторлари ва чет эллик инвесторлар учун тенг шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланади»;

10) **15-модданинг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Эркин иқтисодий зонага меҳнат ресурсларини жалб этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

11) **17-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зонанинг бюджети эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши (бундан буён матнда Маъмурий кенгаш деб юритилади) фойдаланиши ва бошқарувида бўлган ер, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан, хизматлар кўрсатишдан келадиган тушумлардан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади»;

12) **18-модданинг**:

**номидаги «иқтисодий зонадан»** деган сўзлар «**эркин иқтисодий зонадан**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матнидаги** «Низомда» деган сўз «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг тегишли суғурта органлари ва чет эл суғурта компаниялари томонидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **20-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зонанинг фаолияти Маъмурий кенгаш томонидан мувофиқлаштирилади.

Эркин иқтисодий зона дирекцияси (бундан буён матнда дирекция деб юритилади) эркин иқтисодий зонанинг оператив бошқарув органидир»;

15) **21-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилади.

Маъмурий кенгашга раис бошчилик қилади. Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирлиги (туман, шаҳар, шаҳардаги туман) чегарасига тўғри келган тақдирда, Маъмурий кенгаш раисининг вазифаларини ижро этиш тегишли ҳоким зиммасига юкланади»;

16) **22-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий кенгаш:

алоҳида ҳуқуқий тартиботга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

эркин иқтисодий зонани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади;

эркин иқтисодий зонада жойлаштириш учун инвесторлар танловини амалга оширади;

эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

эркин иқтисодий зонага инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча шартлар белгилайди;

эркин иқтисодий зонанинг ҳар йилги бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Маъмурий кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маъмурий кенгашнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари эркин иқтисодий зона ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари (юридик ва жисмоний шахслар) ижро этиши учун мажбурийдир»;

17) **23-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин иқтисодий зона чегараларида жойлашган давлат мулки объектлари (ер, сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар, бинолар, иншоотлар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасидаги қарорига кўра оператив бошқариш ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида Маъмурий кенгашга топширилиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Маъмурий кенгашга топширилган ер ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларнинг муҳофаза қилиниши устидан назоратни таъминлайди»;

18) **24** ва **25-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«24-модда. Эркин иқтисодий зона дирекцияси**

Дирекция юридик шахс бўлиб, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Дирекция:

алоҳида ҳуқуқий тартиботнинг амал қилишини таъминлайди;

Маъмурий кенгаш томонидан танлаб олинган инвесторлар мажбуриятлари лозим даражада бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

эркин иқтисодий зонани ривожлантириш дастури амалга оширилишини таъминлайди;

эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиларининг (юридик ва жисмоний шахсларнинг) рўйхатдан ўтказилишини амалга оширади;

экологик ҳолатнинг яхшиланиши устидан назоратни таъминлайди, шунингдек тарихий-маданий бойликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлади.

Дирекция қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Дирекция юридик ва жисмоний шахсларнинг оператив хўжалик, молиявий фаолиятига ҳамда бошқа фаолиятига аралашишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**25-модда. Эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш**

Эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар дирекцияда рўйхатдан ўтади.

Эркин иқтисодий зона ташкил этилиши пайтида унинг ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар дирекцияга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини тақдим этади.

Дирекция рўйхатдан ўтказилган юридик ёки жисмоний шахсга эркин иқтисодий зонада рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради ва бу ҳақда тегишли давлат бошқаруви органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабар қилади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, дирекция эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ёки жисмоний шахснинг фаолиятини тугатиш ҳамда унга берилган гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақли»;

19) **26-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар қайта ташкил этилган ва тугатилган тақдирда, меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинаётган ходимда қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатлар сақланиб қолади»;

20) **27-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«27-модда. Низоларни ҳал этиш**

Эркин иқтисодий зоналар соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 23 сентябрь
№ ЎРҚ—224

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Кўргазмада янги замонавий антенна тюнерларини тақдим этаяпмиз, — дейди "NEC" корпорациясининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси масъул ходими Нусрет Фетляев. — Бу жиҳозлар арзон ва жуда қулайдир. Масалан, бирор дам олиш масканига ноутбук олган ҳолда бориб, ташкилотимиз тюнерини ўрнатсангиз, Ўзбекистон ва хорижнинг бир қатор телевидение каналларини бепул кўришингиз мумкин бўлади. Мазкур қурилма воситаси мамлакатимиз ахборот бозори ривожига муносиб ҳисса қўшади, деб умид билдириб қоламиз.

— Бу ерда намойиш этилаётган ахборот-коммуникация технологиялари ҳақиқатан ҳам мени лол қолдирди, — дейди кўргазма иштирокчиларидан бири Муроджон Содиқов. — Айниқса, "МТС-Ўзбекистон" компанияси томонидан тақдим этилаётган "Мобиль ТВ" хизмати кўпчиликнинг эътиборини жалб қилди.

Тадбир доирасида давра суҳбатлари, анжуманлар ва яна кўплаб кўнгилочар дастурларни ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса кўргазма фаолияти билан яқиндан танишишни истаганларда қизиқиш уйғотиши, шубҳасиз.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди. Кўргазма ўз ишини 25 сентябрга қадар давом эттиради.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОРЗУЛАР РЎЁБИ

***Мен, ўттиз йилдирки, қишлоқ ёшларига физика фанидан сабоқ бераман. Очиғи, бугунги давр ёшларига ҳавасим келади. Кенг ва ёруғ синфхоналар, барча қулайликларга эга фан лабораториялари, замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерларда дарс ўтиш илгари хаёлимизга ҳам келмаганди.***

Ёшлар мустақил давлатимизнинг чексиз эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб камол топишаяпти. Истиқлол ўз ҳаётимизни ўзимиз яратиш имконини берди. Илму салоҳияти, истеъдоду иқтидори туфайли жаҳонга чиқаётган, дунёни лол қолдираётган ёшларимиз қанча?!

**Дил сўзи**

Албатта, инсон ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлайди. Юрти эришган ютуқларни ўзиники, ўзи қўлга киритган муваффақиятларни эса юртники, деб билади. Шу маънода, Истиқлол юртимизга, маҳалламизга, хонадонимизга, қалбимизга чексиз қувонч, шоду хуррамлик олиб кирди. Буни оиламиз мисолида баралла айтишим мумкин. Жумладан, қизим Нозима мустақиллик йилларида Бухоро давлат университетида француз тили йўналишида ўқиб, кейинчалик Францияда таҳсил олди. Ўғлим Улуғбек Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида билим олиб, Франциянинг Гренобль шаҳридаги Стендаль университети магистратурасини тугатди. Яна бир ўғлим Иброҳимбек эса айни кунда Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олмоқда. Хўш, бир бахтли оила бошчиси, ота сифатида фарзандларимнинг бу ютуғидан қувонмаслигим мумкинми?!

Дарвоқе, яқинда оиламизда яна бир қувончли воқеа юз берди. Бухоро давлат университетини тамомлаган қизим Нигора Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендианти сифатида Ўзбекистон Миллий университети магистратурасига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилинди.

Шу дамда бир ҳақиқатга яна бир карра иқрор бўлаяпман. Истиқлол орзуларимиз рўёби учун йўл очди. Ота-боболаримиз кўролмаган бахтиёр кунларни биз, фарзандларимиз кўришга муяссар бўлдик. Зотан, Юртбошимиз раҳнамолигида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни камол топтириш йўлидаги ислоҳотларимиз — эзгу ният билан кеча экилган ниҳолларнинг бугун улғайгани, ҳосилга кирганининг ёрқин исботи бўлмоқда.

**Мизроб АМОНОВ,**
**Ғиждувон туманидаги 6-академик лицей ўқитувчиси.**

# ҚУЛАЙ, АРЗОН, ТЕЖАМКОР

(Давоми. Боши 1-бетда).



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ўраш ва қадоқлаш технологиялари сингари тармоқ учун зарур кўплаб жиҳозлар кенг ўрин олган. Шу маънода, тадбирлар нафақат қишлоқ хўжалигининг, балки истеъмол бозорининг ютуқлари намойишига айланиб кетди.

Таклиф этилаётган замонавий ускуналарнинг аксариятида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи битилгани, айниқса, кишида фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади. Негаки, кўргазманинг дастлабки йилларида хориж технологиялари устуворлик касб этган бўлса, ҳозирда чет элникидан асло қолишмайдиган маҳаллий технологиялар намойиш майдонининг катта қисмини эгаллади. Уларнинг нисбатан арзон, сифати юқори эканлиги барча иштирокчиларга манзур бўлаётганини айтмайсизми?! Бу мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган Маҳаллийлаштириш дастурининг юксак самарасидир, албатта.

— Биз ўз корхонамизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қишлоқ хўжалиги корхоналари учун юк ташишга мўлжалланган мотоцикл, автотиркама, мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш ускуналари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, — дейди "Elxolding" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори ўринбосари Алим Юнусов. — Мана, кўргазмаларда таклиф қилаётган техника ва ускуналаримиз тежамкорлиги жиҳатидан иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, мотоциклар 100 километр масофага 3 литр ёнилғи сарфлаб, 650 килограммгача юк кўтара олади. Қуритиш ускунамиз ёрдамида эса бир пайтда 450 килограмм мева-чева, сабзавот-полиз маҳсулотларини қуритиш мумкин.

Кўргазмаларнинг барча бўлимларида бундай янгиликлар беҳисоб. Эътиборлиси, ҳар икки тадбир 25 сентябргача фаолият кўрсатади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***ХОРАЗМ. Жорий йил бошида Урганч шаҳрида "Мегосфера" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ташкил этилган эди.***

### Хорижникидан қолишмайди

Корхонага Италиядан энг сўнгги русумдаги технологиялар олиб келиб ўрнатилгач, бу ерда замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эътироф этиш керакки, 35 киши меҳнат қилаётган жамоа ўтган қисқа муддат мобайнида сифати хорижникидан қолишмайдиган 400 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга чиқарди.

Шунингдек, мазкур қўшма корхона Урганч шаҳрида ўзининг "Мебеллар уйи"ни ҳам очди. Тез орада "Мегосфера" мамлакатимизнинг барча ҳудудларида савдо уйлари фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СИРДАРЁ вилоятининг Бахт шаҳрида фаолият юритаётган "Бахтсельмаш" Ўзбекистон — Россия — Беларусь қўшма корхонасида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган, "РМУ" деб номланган янги ускунани ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

### Фермерлар учун маҳсулотлар

Бир йўла 16 квадрат метр кенгликдаги майдонга уруғлик, ўғит солиш имкониятига эга бўлган ушбу мослама қулай ва камхаржлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, корхонада экинларга ишлов берадиган, ғўза дефолиациясига мўлжалланган бир қатор ускуналар ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари корхона маҳсулотларининг дастлабки харидорлари бўлишмоқда.

**А. ШЕРНАЗАРОВ.**

***АНДИЖОН. Шаҳрихонлик ака-укалар — Дилмурод, Отабек, Сарварбек Самадовларни вилоятда ишчан тадбиркор ва саховатпеша инсонлар сифатида яхши билишади.***

### Тадбиркорлар ҳиммати

Яқинда улар ҳиммати билан туманда 216 ўринли мактаб ҳамда 60 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган боғча бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тадбиркорлар бу хайрли иш учун 1 миллиард 580 миллион сўм маблағ сарфлашди. Қолаверса, ушбу таълим-тарбия муассасалари барча зарур жиҳозлар билан таъминланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Кегейли туманида янги иш ўринлари яратиш натижасида аҳоли бандлиги таъминланмоқда.***

### Бандлик — фаровонлик омили

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳасини ривожлантириш орқали 202 киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

Таъкидлаш лозимки, туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ўтказиб келинаётган меҳнат ярмаркалари туфайли 1669 киши доимий иш билан таъминланди. Ишга жойлашганларнинг аксарияти хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилмоқдалар.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАМАНГАН. Косонсой шаҳрида "Зилол сув жавоҳири" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.***

### Меҳнат унумдорлиги ошди

Корхонага замонавий тўқув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилгач, бу ерда меҳнат унумдорлиги кескин ошди.

Айни пайтда 25 киши меҳнат қилаётган жамоа ойига тўрт тонна калава-ипни тайёр маҳсулотга айлантирмоқда. Айтиш лозимки, корхонанинг сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотларига ички бозорда талаб ортиб бормоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СИФАТСИЗ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига "Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш" номли янги $186^{3}$-модда киритилди. Эндиликда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мазкур модданинг 2-қисмида сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган ёки баданга ўртача ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилса ёхуд бундай қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, айбдор шахснинг саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мазкур модданинг 3-қисмида белгиланди.

$186^{3}$-моддасининг 4-қисмида ушбу фаолият одамлар ўлимига, бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, деб кўрсатилган.

Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддаси 6-қисми "$185^{2}$" рақамидан кейин "$186^{3}$" рақами билан тўлдирилди. Унга кўра, ушбу жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов шу ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади.

Қонуннинг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТК $165^{1}$-модда билан тўлдирилди. Унда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарлик қўлланилади.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг кучга кириши дори воситаларининг ғайриқонуний муомаласига қатъий тўсиқ қўяди ва содир этилган қонунга хилоф қилмишларнинг тўғри, аниқ ва бир хилда квалификация қилинишига имкон беради. Зеро, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилиши республикамиз аҳолисининг сифатли дори-дармонлар билан таъминланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**М. РУСТАМБОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

| № | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1591 | 5000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | ИР-45 |
| 1592 | 5000 | Фарғона вилояти | Фурқат филиали | 01-шохобча | ИР-7 |
| 1593 | 5000 | Андижон вилояти | Куйганёр филиали | 053-шохобча | ИР-24 |
| 1594 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-207 |
| 1595 | 5000 | Сирдарё вилояти | Оқолтин филиали | 01-шохобча | ИР-47 |
| 1596 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Оқманғит филиали | 09-шохобча | ИР-14 |
| 1597 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | ИР-329 |
| 1598 | 5000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-34 |
| 1599 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 016-шохобча | ИР-13 |
| 1600 | 5000 | Жиззах вилояти | Мирзачўл филиали | 017-шохобча | ИР-72 |
| 1601 | 5000 | Самарқанд вилояти | Пайшанба филиали | 3-сайёр касса | ИР-19 |
| 1602 | 5000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 021-шохобча | ИР-56 |
| 1603 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-шохобча | ИР-377 |
| 1604 | 5000 | Наманган вилояти | Поп филиали | 07-шохобча | ИР-3 |
| 1605 | 5000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 034-шохобча | ИР-7 |
| 1606 | 5000 | Андижон вилояти | Куйганёр филиали | 058-шохобча | ИР-11 |
| 1607 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-332 |
| 1608 | 5000 | Тошкент вилояти | Паркент филиали | "Қорақалпоқ" минибанки | ИР-283 |
| 1609 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-88 |
| 1610 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 015-шохобча | ИР-131 |
| 1611 | 5000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 042-шохобча | ИР-342 |
| 1612 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 016-шохобча | ИР-7 |
| 1613 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 010-шохобча | ИР-34 |
| 1614 | 5000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 28-шохобча | ИР-19 |
| 1615 | 5000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 024-шохобча | ИР-80 |
| 1616 | 5000 | Андижон вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 05-шохобча | ИР-71 |
| 1617 | 5000 | Самарқанд вилояти | Пахтачи филиали | Амалиёт бўлими | ИР-219 |
| 1618 | 5000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 07-шохобча | ИР-67 |
| 1619 | 5000 | Андижон вилояти | Куйганёр филиали | 030-шохобча | ИР-151 |
| 1620 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-457 |
| 1621 | 5000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | Амалиёт бўлими | ИР-97 |
| 1622 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-219 |
| 1623 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | ИР-3 |
| 1624 | 5000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 042-шохобча | ИР-467 |
| 1625 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 026-шохобча | ИР-7 |
| 1626 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 011-шохобча | ИР-237 |
| 1627 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 08-шохобча | ИР-194 |
| 1628 | 5000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 026-шохобча | ИР-35 |
| 1629 | 5000 | Андижон вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 072-шохобча | ИР-42 |
| 1630 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | ИР-22 |
| 1631 | 5000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 08-шохобча | ИР-51 |
| 1632 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 3-сайёр касса | ИР-57 |

| № | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1633 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 010-махсус касса | ИР-49 |
| 1634 | 5000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | 015-шохобча | ИР-123 |
| 1635 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-344 |
| 1636 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | ИР-130 |
| 1637 | 5000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | "Тараққиёт" минибанки | ИР-305 |
| 1638 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-8 |
| 1639 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 011-шохобча | ИР-104 |
| 1640 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | ИР-861 |
| 1641 | 5000 | Тошкент шаҳри | Шаҳар амалиёт бўлими | 033-шохобча | ИР-2 |
| 1642 | 5000 | Андижон вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 094-шохобча | ИР-410 |
| 1643 | 5000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 08-шохобча | ИР-176 |
| 1644 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 3-сайёр касса | ИР-277 |
| 1645 | 5000 | Навоий вилояти | Навоий шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | ИР-173 |
| 1646 | 5000 | Тошкент вилояти | Янгийўл филиали | 039-шохобча | ИР-54 |
| 1647 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 03-шохобча | ИР-1 |
| 1648 | 5000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-55 |
| 1649 | 5000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | "Тараққиёт" минибанки | ИР-430 |
| 1650 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-137 |
| 1651 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 01-шохобча | ИР-707 |
| 1652 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | ИР-790 |
| 1653 | 5000 | Тошкент шаҳри | Мирзо Улуғбек филиали | Амалиёт бўлими | ИР-56 |
| 1654 | 5000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 014-шохобча | ИР-877 |
| 1655 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 025-шохобча | ИР-10 |
| 1656 | 5000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 012-шохобча | ИР-66 |
| 1657 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 4-сайёр касса | ИР-118 |
| 1658 | 5000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | "Конимех" минибанки | ИР-56 |
| 1659 | 5000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-185 |
| 1660 | 5000 | Андижон вилояти | Булоқбоши филиали | Амалиёт бўлими | ИР-73 |
| 1661 | 5000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | ИР-180 |
| 1662 | 5000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | ИР-2 |
| 1663 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 03-шохобча | ИР-9 |
| 1664 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 01-шохобча | ИР-233 |
| 1665 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | ИР-1210 |
| 1666 | 5000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | ИР-7 |
| 1667 | 5000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 014-шохобча | ИР-1510 |
| 1668 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | "Мирбозор" минибанки | ИР-61 |
| 1669 | 5000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 02-шохобча | ИР-50 |
| 1670 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 4-сайёр касса | ИР-332 |
| 1671 | 5000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 08-шохобча | ИР42 |
| 1672 | 5000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | 01-шохобча | ИР-1245 |
| 1673 | 5000 | Андижон вилояти | Хўжаобод филиали | Амалиёт бўлими | ИР-4 |
| 1674 | 5000 | Навоий вилояти | Нурота филиали | 011-шохобча | ИР-102 |

| № | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1675 | 5000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | "Бахт" минибанки | ИР-75 |
| 1676 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | "Ўзбекистон" минибанки | ИР-22 |
| 1677 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 03-шохобча | ИР-309 |
| 1678 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | ИР-1335 |
| 1679 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | Амалиёт бўлими | ИР-3 |
| 1680 | 5000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 05-шохобча | ИР-64 |
| 1681 | 5000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Амалиёт бўлими | ИР-124 |
| 1682 | 5000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 02-шохобча | ИР-1 |
| 1683 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-шохобча | ИР-124 |
| 1684 | 5000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 09-шохобча | ИР13 |
| 1685 | 5000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | 035-шохобча | ИР-408 |
| 1686 | 5000 | Андижон вилояти | Избоскан филиали | 010-шохобча | ИР-281 |
| 1687 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-102 |
| 1688 | 5000 | Сирдарё вилояти | Ш.Рашидов филиали | 06-шохобча | ИР-74 |
| 1689 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 05-шохобча | ИР-8 |
| 1690 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 03-шохобча | ИР-440 |
| 1691 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | ИР-73 |
| 1692 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | "Кокшиел" минибанки | ИР-2 |
| 1693 | 5000 | Жиззах вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-179 |
| 1694 | 5000 | Самарқанд вилояти | Сиёб филиали | Амалиёт бўлими | ИР-249 |
| 1695 | 5000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 014-шохобча | ИР-45 |
| 1696 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-шохобча | ИР-268 |
| 1697 | 5000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | ИР-68 |
| 1698 | 5000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 01-шохобча | ИР-8 |
| 1699 | 5000 | Андижон вилояти | Куйганёр филиали | 053-шохобча | ИР-70 |
| 1700 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-230 |
| 1701 | 5000 | Сирдарё вилояти | Оқолтин филиали | 02-шохобча | ИР-5 |
| 1702 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қонликўл филиали | Амалиёт бўлими | ИР-16 |
| 1703 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | ИР-144 |
| 1704 | 5000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 042-шохобча | ИР-99 |
| 1705 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | Амалиёт бўлими | ИР-13 |
| 1706 | 5000 | Жиззах вилояти | Мирзачўл филиали | 017-шохобча | ИР-161 |
| 1707 | 5000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | "Деҳқонобод" минибанки | ИР-20 |
| 1708 | 5000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 023-шохобча | ИР-19 |
| 1709 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | 04-шохобча | ИР-407 |
| 1710 | 5000 | Самарқанд вилояти | Жомбой филиали | Амалиёт бўлими | ИР-10 |
| 1711 | 5000 | Фарғона вилояти | Сўх филиали | 03-шохобча | ИР-12 |
| 1712 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | ИР-356 |
| 1713 | 5000 | Тошкент вилояти | Паркент филиали | Амалиёт бўлими | ИР-725 |
| 1714 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | ИР-111 |
| 1715 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 015-шохобча | ИР-154 |

*** Изоҳ: шунингдек, «Ижтимоий-рағбат» омонати бўйича 2141 та 1000 сўмлик ютуқлар ўйналиб, омонатчилар ушбу ютуқларни аниқлаш учун Халқ банкининг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари лозим.**

**Ҳайъат раиси — Чиноз тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари — А. БАҲРОМОВ**
**Масъул котиб — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари — М. САИДОВ**

Совместное Узбекско-Индонезийское предприятие Узбектелеком Интернешнл, ООО

ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕШНЛ»
Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси

имтиёзли тарифлар асосида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув
ТЕЛЕФОН КАРТОЧКАЛАРИНИ
тақдим этади.




Ушбу телефон карточкалари орқали дунёнинг исталган нуқтасига қўнғироқ қилишингиз ва ўз яқинларингиз билан мулоқотда бўлишингиз мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув телефон карточкаларини тарқатиш учун дилерлик фаолияти билан шуғулланувчи, юридик ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳамкорлик қилишга таклиф этади.



МАНЗИЛ ВА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй, (8-371) 214-63-53,
e-mail: uzi.market@intal.uz

660Н/834

**Интилиш**

***Бухоро шаҳрида "Санжар-Аслиддин" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.***

## Сифатли маҳсулотнинг бозори чаққон

Бу ерда хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланаётган юмшоқ ва қаттиқ мебель маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Қолаверса, маҳсулотлар сифати, фойдаланиш учун қулайлиги ва дизайни билан ҳам мижозларга маъқул келаётир.

Эътиборлиси, ўтган қисқа вақт мобайнида қўшма корхона жамоаси буюртмачиларга 60 миллион сўмликдан ортиқ мебель маҳсулотлари етказиб берди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ УЧУН «HYUNDAI» ЮК МАШИНАЛАРИ ТАЪМИНОТЧИСИ

ROAD INTERNATIONAL

Жанубий Кореянинг «Road International Co. Ltd» компанияси қуйидаги қурилиш техникалари ва транспорт воситаларини таклиф қилади:





«HYUNDAI» компаниясида ишлаб чиқарилган
- экскаваторлар (ғилдиракли ва ўрмаловчи)
- самосваллар ва юк машиналари — 2,2-27,9 тонна
- автобуслар — 15-50 ўринли
- ёқилғи ташувчи, трейлер ва бетон миксерлар

ҲАМДА
- тош майдалаш ва қум ишлаб чиқариш заводи — 50-600 тонна/соат
- асфальт тайёрлаш заводи — 30-240 тонна/соат
- бетон тайёрлаш заводи — 120-360 $м^3$/соат муқим ва кўчма шаклларда
- рух, алюминий ва бўёқ қопламали совуқ ёйилган пўлат ўрамлар



БУЮРТМА БИЛАН

Ваколатхона манзили:
Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Ойбек кўчаси, 14, Germilea биноси.
Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.

Тел./факс: + (998 71) 140-10-91, 140-10-92.
E-mail: rico2008@mail.ru
Web-site: www.rico21.com

836Н/1187

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А




предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий
- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах




КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

142Н/2011

SONATA

Ўз йўлингни танла!




Drive your way

Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

204Н/280

Qishloq Qurilish Bank

Энг яхши инвестиция лойиҳаси учун танлов

**Банк инвестиция дастури доирасида тадбиркорлик субъектлари орасида юқори самарали ва рентабелли инвестициявий лойиҳаларни имтиёзли равишда молиялаш мақсадида танлов эълон қилади.**

**Асосий шартлар ва талаблар**
1. Лойиҳа қиймати — камида 150 млн. сўм ёки 100 минг АҚШ доллари миқдорида.
2. Лойиҳани амалга ошириш муддати — лойиҳанинг ўз-ўзини қоплаш муддатидан келиб чиққан ҳолда, максимал муддати 5 йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим.
3. Лойиҳа ташаббускори лойиҳа қийматининг камида 25 фоизи миқдорида ўз маблағлари билан иштирок этиши лозим.
4. Таъминотнинг умумий қиймати инвестициявий кредит маблағининг 125 фоизидан кам бўлмаслиги керак.
5. Лойиҳа рентабелли, юқори самарали, шу жумладан, янги ишлаб чиқариш технологияларига асосланган ва янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган бўлиши ёки мавжуд бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг техник жиҳатдан қайта жиҳозланишига йўналтирилган бўлиши лозим.
6. Экспортга ва миллий бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳалар устуворликка эга бўлади.
7. Лойиҳа иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларида ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) ривожлантириш учун йўналтирилган бўлиши лозим:
- нефть ва газ соҳаси;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- электротехника ва юқори технологиялар соҳаси.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**
- танловда қатнашиш учун ариза;
- корхона низоми ва таъсис шартномаси;
- корхонанинг ёки лойиҳа ташаббускорларининг охирги 3 йиллик солиқ назорати томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақида маълумотнома;
- лойиҳанинг техник иқтисодий асосланиши (ТИА) ёки бизнес-режаси;
- таъминот тўғрисидаги батафсил маълумот.

Танловда лойиҳа нархи муайян даражага келтирилганлиги биринчи навбатда эътиборга олинади. Энг яхши тайёрланган 3 та лойиҳа имтиёзли равишда молиялаштирилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 2009 йил 15 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.

Танлов бўйича ғолиблар танлов комиссияси томонидан аниқланади ва танлов ҳужжатлари қабул қилинган якуний кундан 1 ой ичида эълон қилинади.

**Мурожаат учун ахборот маркази телефонлари: (+99871) 236-16-17, 233-71-72, 233-90-43.**
**E-mail: info@qqb.uz**
**www.qishloqqurilishbank.uz**

1012Н/1487

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти, замон талабларига мос билим олиши, касб-ҳунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ҳамда янада ривожлантириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда.***

**1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни**

# МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Шу боис давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган йиллар мобайнида барча соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш, келажагимиз бўлган ёшларни етук ва ҳар томонлама ривожланган авлод этиб тарбиялаш, шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш йўналишидаги ишларга алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"да кўрсатилганидек, мактабларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни замонавий бинолар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари ва ўқув адабиётлари, мутахассис педагог кадрлар билан таъминлаш соҳаларида кенг қамровли ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу борада бир қанча мақтовга арзирли ишлар амалга оширилди.

Давлат умуммиллий дастури доирасида 2004-2008 йилларда Қорақалпоғистонда жами 487 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу жумладан, 28 та янги мактаб биноси қурилди ва 178 та мактаб биноси мукаммал реконструкция қилинди, 172 та мактабда капитал, 109 тасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мақсадлар учун Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 73 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шу йиллар мобайнида 484 та умумтаълим мактаби мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланди. Ушбу мақсадларда 22 млрд. 21 млн. сўм бюджет маблағлари сарфланди.

2009 йилда ҳам умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун бюджетдан ташқари Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси томонидан 10,4 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Бу даврда умумтаълим мактабларининг ўқув режалари ҳам такомиллаштирилиб, янги ўқув фанлари ва курслари жорий этилди. Улар: 5-6-синфларда "Ватан туйғуси", 7-9-синфларда "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", 10-11-синфларда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар", 1-4-синфларда "Конституция алифбоси", 5-7- синфларда "Конституция оламига саёҳат", 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ асослари", "Динлар тарихи", 10-11-синфларда "Ҳуқуқшунослик" фанлари ҳисобланади.

Ўқитувчиларни рағбатлантириш мақсадида умумтаълим мактабларида Директор жамғармаси ҳисобидан касб маҳорати ва тарбиявий ишларни олиб боришдаги муваффақиятлари учун педагогларга устамалар белгилашнинг янги тизими жорий этилди. 2008-2009 ўқув йилида деярли 28 минг нафарга яқин ўқитувчига устама ҳақлар белгилаш бўйича иш фаолияти ўрганилиб, 13092 нафар мураббийга, яъни 47,1 фоиз ўқитувчиларга Директор жамғармаси ҳисобидан устамалар белгиланди.

Республикада, шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилмоқда. Жумладан, 2009 йилда Тўрткўл туманидаги ўқувчилар ижодиёт маркази Болалар ижодиёт марказига айлантирилиб, бу ерда туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ва ҳомийлар кўмагида бугунги кунгача 36,2 млн. сўмликдан ортиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ўқувчилар ижодиёт маркази жорий йил июнь ойида тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда ушбу масканда 560 нафар ўғил-қиз 14 тўгаракда нафосат ва техника йўналиши бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда.

2008 йилда Элликқалъа туманидаги Маданият саройининг иморати балансга олиниб, бу ерда ҳам Болалар ижодиёт маркази ташкил этилди ва бугунги кунда ушбу марказда нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун мамлакатимизга тааллуқли бир қатор кўргазмали семинарлар ташкил этилмоқда.

Президентимизнинг "Фарзандларимизни соғлом, мард, баркамол қилиб тарбиялашда спорт ва жисмоний тарбиянинг ўрни беқиёсдир", деган ғоялари асосида ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Агар 2004 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 3 та объектда 460,0 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, улар 54,7 млн. сўмлик жиҳозлар билан таъминланган бўлса, 2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 21 объектда 2610,0 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди ва 236,7 млн. сўмлик жиҳозлар олинди.

2009 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 17 та объектда 2027,8 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган бўлиб, бу ишлар якунланиш арафасида.

Маълумки, 2009 йил 29 май — 1 июнь кунларида Гулистон шаҳрида спортнинг 12 тури бўйича "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчи қизлари баскетбол бўйича 2-ўринни, ўғил болалар волейбол бўйича 2-ўринни, Спорт гимнастикаси бўйича 3-ўринни эгалладилар. Шунингдек, якка тартибда Қўнғирот туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нурбол Парахатов миллий кураш бўйича 65 кг. вазнда 1-ўринни, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Наргиза Бекимбетова 1-ўринни, спорт гимнастикаси бўйича Нукус шаҳридан Сарвиноз Бекимбетова 2-ўринни ва Гулсина Мешенова 3-ўринни эгаллашди.

Қизлар ва ўғил болалар орасида Қорақалпоғистон волейбол ҳамда баскетбол жамоалари Ўзбекистондаги энг кучли жамоалар сифатида эътироф этилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Наргиза Бекимбетова "Сув маликаси" ва 1-даражали диплом билан мукофотланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва жойлардаги таълимни бошқарув органлари маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорликда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида белгиланган улкан истиқболли вазифаларни амалга ошириш ишларини бундан буён ҳам изчил давом эттираверади.

**Бегдулла СУЛТОНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири.**


# АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!



*Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда, шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик — 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг*

**237-01-11** рақамли

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»**

*хизматига қўнғироқ қилинг.*



Манзилимиз: Тошкент шаҳри,
Ниёзбек йўли 3-тор кўчаси, 3-уй.
E-mail: sanktsiya@gis.uz
Web-site: www.gis.uz

*Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик — 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги «Ишонч телефони» хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:*

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 224-01-11 |
| 2. | Андижон вилояти | 224-01-11 |
| 3. | Бухоро вилояти | 223-01-11 |
| 4. | Жиззах вилояти | 226-01-11 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 221-01-11 |
| 6. | Навоий вилояти | 224-01-11 |
| 7. | Наманган вилояти | 226-01-11 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 235-01-11 |
| 9. | Сирдарё вилояти | 40-01-11 |
| 10. | Сурхондарё вилояти | 227-01-11 |
| 11. | Хоразм вилояти | 226-01-11 |
| 12. | Фарғона вилояти | 223-01-11 |
| 13. | Тошкент вилояти | 235-01-11 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 236-01-11 |

988А/1356


Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

# БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

*Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида анъанавий "Тошкент оупен" турнири бўлиб ўтмоқда.*

Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) тақвимига кирувчи мусобақада жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатларидан таниқли ракетка усталари иштирок этмоқда.

Биринчи давра мусобақаларида рақибларини мағлубиятга учратган швейцариялик Стефании Фогель, австриялик Патрисия Майр, қозоғистонлик Галина Воскобоева, германиялик Кэтрин Воерле ва рроссиялик Екатерина Иванова кейинги босқичга йўл олишганди.

Иккинчи давра беллашувларидан сўнг эса тўрт нафар ҳамюртимиздан икки нафари мусобақани давом эттириш ҳуқуқига эга бўлди. Хусусан, Оқгул Омонмуродова россиялик Ксения Ликиндан устун келган бўлса, Нигина Абдураимова украиналик Лесея Цуренкони мағлубиятга учратди. Кейинги босқичда Оқгул яна бир россиялик ракетка устаси Екатерина Бичковага қарши кортга чиқса, Нигина швейцариялик Стефании Фогель билан ўзаро куч синашади.

Жуфтлик беллашувлари ҳам қизғин курашлар остида ўтмоқда. Ҳозирча Иперк Сеноглу (Туркия)/Ярослава Шведова (Қозоғистон), Мария-Елена Камерин (Италия)/Ксения Палкина (Қирғизистон), Юлия Федак (Украина)/Весна Манасиева (Россия), Виталия Дьяченко (Россия)/Екатерина Дзехалевич (Беларусь) тандемлари ғалаба қозонишга муваффақ бўлишди.



**Ф. ИБРАГИМОВ.**

***Шу кунларда барча футбол мухлисларининг нигоҳи Миср Араб Республикаси яшил майдонларига қаратилган. Чунки бугун ушбу давлатда ёшлар ўртасидаги (U-20) XVII жаҳон чемпионати баҳсларига старт берилади. Бизга ўзгача ғурур ва ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, мундиалда иштирок этаётган 24 давлат вакиллари орасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам бор. Бу мамлакатимизда Президентимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг яна бир амалий самарасидир. Зеро, бундай нуфузли мусобақада қатнашиш ўз-ўзидан бўлмайди.***

# МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ СИНОВИ

Мазкур чемпионатда вакилларимизнинг имконияти мутахассису мухлислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Гап шундаки, ёшларимиз ҳозиргача бўлган қатор ўртоқлик ва расмий учрашувларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, эътирофга сазовор бўлишди. Уларнинг ана шу истеъдоди мамлакатимиз раҳбарияти, футбол мутасаддилари томонидан яратиб берилган шароитлар туфайли юзага чиқди. Масалан, биргина жаҳон чемпионатига тайёргарлик жараёнини олайлик. Терма жамоамиз аъзолари футболи тараққий этган Германия, Англия, Испания каби мамлакатларда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишди. Қолаверса, таркибга жалб қилинган футболчилар деярли беш йилдан буён бирга тўп суриб келишмоқда. Муҳими, ёшларимизда ғалабага ва юрт шаънини муносиб ҳимоя қилишга иштиёқ кучли. Биз бунга ўтган йили бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳам гувоҳ бўлгандик. Ўшанда вакилларимиз кучли рақибларга муносиб қаршилик кўрсатиб, финалгача етиб боришнинг уддасидан чиқишганди. Ўйлаймизки, мана шу омилларнинг барчаси терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этишига хизмат қилади.

Шу ўринда мезбон давлат ҳақида қисқача маълумот. Миср икки қитъада: Африканинг шимоли-шарқи ва Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган давлатдир. Пойтахти — Қоҳира шаҳри. Иқлими биздагига анча яқин. Таъкидлаш керак, мамлакат мазкур катта спорт байрамини юқори савияда ўтказиш учун жиддий ҳозирлик кўрди. Мундиал баҳонасида бу ерда янги футбол майдонлари ва спорт иншоотлари бунёд этилди. Учрашувлар "Қоҳира халқаро стадиони", "Ас-Салом", "Бурж ал-Араб", "Александрия", "Порт Саид", "Исмоилия" "Муборак" стадионларида бўлиб ўтади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ташкил этиш ғоясини илк бор ФИФАга раҳбарлик қилган Жоао Авеланж таклиф қилганди. Ўша вақтда ташкилотга аъзо 140 мамлакатдан 87 таси уни қўллаб-қувватлаган. Шу тариқа биринчи бор ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати 1977 йилда Тунис давлатида ўтказилган.

Турнирнинг очилиш маросими ва биринчи учрашуви Александрия шаҳридаги 80 минг томошабинга мўлжалланган "Бурж ал-Араб" стадионида бўлади. Унда Миср ҳамда Тринидад ва Тобаго ёшлар терма жамоалари ўзаро баҳс олиб боришади. Мусобақа низомига кўра, гуруҳ ўйинларида биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган жамоалар ҳамда энг яхши натижа кўрсатган яна тўртта терма жамоа "плей-офф"да қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ёшларимиз гуруҳ баҳсларидаги икки учрашувни Исмоилия шаҳридаги "Исмоилия" стадионида ўтказишади. Дастлабки ўйин 26 сентябрь куни Гана ёшлар термасига қарши бўлади. Ўйин Тошкент вақти билан 20:45 да бошланади. Иккинчи учрашув эса 29 сентябрь кунига режалаштирилган. Бу беллашув ҳам худди шу вақтда "Исмоилия" стадионида бошланади. Унда футболчиларимиз уругвайлик тенгдошларига қарши майдонга чиқишади. Гуруҳ босқичидаги сўнгги баҳс эса Сувайш шаҳридаги "Муборак" стадионида Англия ёшлар терма жамоасига қарши ўтказилади. Ўйин 2 октябрь куни Тошкент вақти билан 23:30 да бошланади.



***XVII жаҳон чемпионати иштирокчилари олти гуруҳдан қуйидагича жой олган:***

**"А" гуруҳи:** Миср, Тринидад ва Тобаго, Парагвай, Италия.

**"В" гуруҳи:** Нигерия, Венесуэла, Испания, Таити.

**"С" гуруҳи:** АҚШ, Германия, Камерун, Корея Республикаси.

**"D" гуруҳи:** Гана, **Ўзбекистон**, Англия, Уругвай.

**"Е" гуруҳи:** Бразилия, Коста-Рика, Чехия, Австралия.

**"F" гуруҳи:** Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Африка Республикаси, Гондурас, Венгрия.

*Биз Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги иштироки ҳақида мутахассис ва мухлисларнинг фикри билан ҳам қизиқдик:*

**Норбек Ниёзов, спорт шарҳловчиси:** — Термамиз жой олган гуруҳда анча кучли жамоалар бор. Бироқ вакилларимиз ҳам ҳеч бир жиҳатдан улардан кам эмас. Айтайлик, улар яқинда мундиал иштирокчиларидан бири — Гондурас терма жамоасини мағлубиятга учратиб, нималарга қодирликларини исботлашди. Фикримча, жаҳон чемпионатида ҳам ана шу руҳда тўп сурилса, ижобий натижаларга эришишимиз, шубҳасиз. Ҳамюртларимизга омад тилаймиз.

**Бекзод Узоқов, мухлис:** — Умид қиламизки, ёшларимиз кейинги босқичга чиқиш вазифасини аъло даражада уддалашади. Терма жамоамизга маҳоратли футболчилар жалб қилинган, улар бир-бирларини яхши тушунишади. Бунга биз аввалги мусобақаларда гувоҳ бўлганмиз. Бўш келманг, ёшлар!

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


"Росагропромснаб" МЧЖ

# ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

715Н/1607


# ОБ-ҲАВО (24 сентябрь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 14-16, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, техника фанлари доктори, профессор **Тошпўлат ШИРИНҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия билдиради.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси жамоаси бош директор ўринбосари Баҳодир Амановга волидаи муҳтарамаси **НОРОЙ онанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Механика-математика факультети Математик анализ кафедраси доценти **Муҳамади ЗОҲИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси Менежмент кафедраси ассистенти Иқборхон Ашраповага қизи **Лобархон АШРАПОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Катри Восток" МЧЖ жамоаси бўлим бошлиғи Эркин Юсуповга падари бузрукври **Дилмурод ЮСУПОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбиддинов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 21.35

1 2 3 4 5